ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАЛК ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИ КАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Б.К.Якубов

# “ҲУҚУҚНИ ТУШУНИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ”

Урганч – 2006 йил

**Тайёрловчи**: Б.К.Якубов ВХТПХКТМОИ кафедра мудири

**Такризчилар:** М.К.Нажимов юридик фанлари номзоди, доцент
Н.Б.Жовлиев катта укитувчи

Мазкур укув услубий кулланма Тошкент давлат юридик институти Давлат ва хукук назарияси кафедрасининг 2006 йил 27 апрел 33 сонли карорига асосан чоп этишга тавсия килинган.

ВХТПХКТМОИ Илмий кенгашининг карорига кура нашрга тавсия этилди. (2006 йил 26 май 3-сонли баённома).

РЕЖА

I.КИРИШ

II. АСОСИЙ ҚИСМ

1. Ҳуқуқ тушунчасига замонавий ёндашув
2. Ҳуқуқни тушунишга замонавий ёндашув ва ҳуқуқни тушуниш типологияси
3. Ҳуқуқнинг ижтимоий қийматига замонавий ёндашув

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР

## КИРИШ

Ҳуқуқ тушунчаси юридик фаннинг бугунги кундаги энг долзарб ва бир вақтнинг ўзида қадимги масалалардан бири

ҳисобланади. Қадимги Рим давридаёқ ҳуқуқ нима деган савол ўртага ташланган. Улар ҳуқуқни адолат ва тенглик ўлчови деб билишган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун ҳам “ҳуқуқ нима?” деган савол кўпчилик ҳуқуқшунос олимларни қизиқтиради. Ҳуқуқни тушуниш масаласи юридик фаннинг ривожланиш тенденцияларини белгилаб берувчи тадқиқот соҳасидир. Юридик фандаги радикал бурилиш ушбу масаланинг у ёки бу тарзда ечилиши белгилаб беради.

Ҳуқуқни тушуниш нафақат назарий, балки амалий аҳамият ҳам касб этади. Масалан ҳуқуқни тушунишга норматив ёндашув жамиятда барқарорлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаб беришда муҳим рол ўйнайди. Ҳуқуқни тушунишга социологик ёндашув эса жамият ҳаётида реал ижтимоий муносабатлар динамизмининг шарти ҳисобланади. Ҳуқуқни тушунишга табиий-ҳуқуқий ёндашув эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Ҳуқуқни тушуниш масаласи замонавий юридик фанда энг кўп ўрганилаётган масала бўлса-да, бу борада ягона фикрга келинмаган. Кўпчилик олимлар ўртасида ҳуқуқни тушуниш борасида ягона фикр мавжуд эмас. Шу сабабли бугунги кунга келиб, бир нечта ҳуқуқ назарияи мактаблари шаклланган. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) норматив назария;
2) социологик назария;
3) табиий-ҳуқуқий назария;
4) психологик назария;
5) интегратив назария.

Нима бўлганда ҳам, ҳуқуқни тушуниш бугунги кундаги ўз ечимини топиши керак бўлган долзарб масаладир. Чунки фақатгина ҳуқуқ инсоннинг манфаатларини ҳақиқий маънода ҳимоя қила оладиган, унинг эҳтиёжларини, иродасини ўзида ифодалайдиган ва энг муҳими давлатнинг мажбурлов кучли билан таъминланган воситадир.

## 1. Ҳуқуқ тушунчасига замонавий ёндашув

Ҳуқуқ уникал ва мураккаб ҳодиса, бутун дунёда ҳозиргача ўз ечимини тўла топмаган долзарб ва муҳим масаладир. Буни

кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар ҳам тан олишган. Хусусан, Буюк Британиялик ҳуқуқшунос Д.Уолкер шундай деб ёзган эди: “Ҳуқуқни сўз билан таърифлашга бир неча бор ҳаракат қилинган, лекин улардан бирортаси қониқарли ва умумэътироф этилган ҳисобланмайди”. Рус ҳуқшунос олими Н.Н.Алексеев эса бу борада шундай деб ёзган: "Табиатшунос олимлар табиатнинг ўзи нима деган саволга жавоб бера олмаганларидек, ҳуқуқшунослар ҳам ҳуқуқнинг таърифини топа олмайдилар". Америкалик ҳуқуқшунос Лауренс Фридманнинг таъкидлашича - “ҳуқуқ ойнадек синувчан, совун пуфакларидек омонат, вақтдек тутқич бермас кўп маъноларга эга”.

Шундай бўлсада, бугунги кунда ҳуқуқнинг бир нечта тушунчалари мавжуд. А.И. Бобылевнинг таъбирича, табиий ҳуқуқий концепция, норматив концепция ҳамда социологик концепциялар асосида ҳуқуқнинг учта фундаментал тушунчалари шаклланган. Бобылевнинг ушбу таъкидига асосланган ҳолда қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Табиий-ҳуқуқий назарияда ҳуқуқ тушунчаси инсоннинг унга туғилиши биланоқ бериладиган табиий ҳуқуқлар билан боғланади, умуминсоний қадриятларни ташкил қилгани учун улар давлат томонидан ўрнатилмайди, улар давлат томонидан фақат таъминланиши ва ҳимояланиши зарур. Табиий ҳуқуқ назария вакиллари (Локк, Руссо, Монтескье, Гольбах, Радишев ва бошқалар) ҳуқуққа таъриф берар эканлар, улар давлат томонидан ўрнатиладиган позитив ҳуқуқдан ташқари ҳамма учун умумий бўлган ва позитив ҳуқуқдан устун турувчи табиий ҳуқуқ мавжуддир деган фикрни илгари суришади. Масалан, Цицерон шундай деган: “табиий ҳуқуққа зид бўлган давлат қонунини қонун сифатида қараш мумкин эмас”.

Норматив концепцияда эса ҳуқуққа одатда, қуйидагича таъриф берилади: ҳуқуқ – бу давлат томонидан ўрнатиладиган ва қўриқланадиган нормалар тизимидир. Ушбу назария вакиллари эса (Штаммлер, Новгородцев, Кельзен ва бошқалар) ҳуқуқнинг юридик моҳиятини ташкил этувчи расмий белгиларни ажратиб кўрсатишади. Нормативизмга кўра ҳуқуқ – бу ҳокимиятнинг кўрсатмасидир. Ҳокимият ҳуқуқ демакдир. Ҳуқуқ давлатсиз мажуд бўлмайди ва аксинча давлат ҳам ҳуқуқсиз мавжуд бўлмайди.

Ҳуқуқни социологик тушуниш концепциясида эса ҳуқуққа таъриф беришда ҳуқуқий муносабатларга катта аҳамият берилади.

“Ҳуқуқ деб ҳуқуқий муносабатлар тизими, одамларнинг ҳуқуқ соҳасидаги юриш-туришлари тан олинади”[1]. Социологик назария ҳуқуқни реал воқелик сифатида талқин этади. Социологик мактаб намоёндалари диққат-марказни “жонли ҳуқуқ”, **яъни ҳуқуқий муносабатлар тизимини, ҳуқуқ доирасидаги одамлар ҳулқ-атворини** ўрганишга кўчириш керак деб таъкидлашади[2].

Энди ҳуқуқ тушунчасининг асосий таркибий қисми ҳисобланган ҳуқуқ белгиларини таҳлил қилишга ўтамиз. Ҳуқуқ белгилари ҳуқуқни тушунча сифатида тавсифлайди. Ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳуқуқнинг бир нечта белигилари ажратилади. Хусусан, профессор З.Исломов позитив ҳуқуқнинг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатади:

- Ҳуқуқ – қонун даражасига кўтарилган ирода;
- Ҳуқуқнинг расман аниқлиги;
- Ҳуқуқнинг тизимлилиги;
- Ҳуқуқ жўшқинлиги (динамизми);
- Ҳуқуқ – бу турли кишиларга тенг миқёсда бўлиш;
- Ҳуқуқнинг давлат томонидан ўрнатилиши[3].

Рус олими Бобылевнинг фикрича эса ҳуқуқнинг асосий белгилари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ҳуқуқ – бу ҳуқуқий нормалар тизимидир;
2. Ҳуқуқ – бу ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тизимдир;
3. Ҳуқуқ – бу инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндисидир;
4. Ҳуқуқ жамият ва давлат томонидан ўрнатилади;
5. Ҳуқуқ инсоний адолат ва шахсий эркинлик ғояларига асослананди;
6. Ҳуқуқ турли ҳаётий фаолият соҳаларидаги шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг манфаатларини ифодалайди;
7. Ҳуқуққа расмий манбаларда ўз аксини топган расмий муайянлик хосдир;
8. Ҳуқуқ умумий ва мажбурий характерга эга;

---

[1] Қаранг: Бобылев А.И. Понятие, принципы, функции права. Право и политика. №4, 2004. С. 8.

[2] Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т., 2005. 112-бет.

[3] Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т., 2001. С. 353.

9. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар ва одамларнинг юриш-туришига таъсир қиладиган тизим сифатида давлат ва жамият томонидан таъминланади[4].

Ҳуқуқ тушунчаси, ҳуқуқнинг моҳияти билан узвий боғлиқдир. Ҳуқуқ тушунчаси кўп жиҳатдан ҳуқуқ моҳияти масаласининг қандай ечилишига боғлиқдир. Моҳият категорияси нафақат фалсафанинг, балки ҳуқуқшуносликнинг ҳам энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Д.А.Керимов моҳият ва мазмун тушунчаларини таққослаган ҳолда, моҳият категориясига ойдинлик киритади: "Агар моҳият ҳуқуқ аслида нима эканлигини (давлат ташкилий ҳукмрон синфининг умумий иродаси) очиб берса, мазмун ҳуқуқ нимадан иборатлигини (бу ироданинг вазифаси, йўналиши ва мақсади) белгилайди".

Бироқ биз совет давридаги ҳуқуқни тушунишнинг ўзига хос хусусияти бўлмиш ирода (давлат, умумҳалқ, ҳукмрон синф) ҳуқуқнинг моҳияти деган ва ҳозирги кунда ҳам учраб турадиган нуқтаи назардан йироқмиз.

"Давлатдаги маълум шахсларнинг иродаси барча фуқароларнинг иродаси" эканлигини тан олиш ҳуқуқий ўйдирмадир деган фикрни билдирган И.Петражицкий ҳуқуқ моҳиятини тушунишга анча яқинлашди. "Ирода" сўзи, унинг фикрича, икки хил маънога эга: "У кўпинча оддий нутқда бир кишининг бошқага нисбатан кўрсатмаси, буйруғи ва тақиқини англатади".

Ҳозирги кунда ҳуқуқ цивилизация ва маданият, ижтиомий тенглик ва ижтимоий фаравонлик воқелиги деб қараладиган ҳуқуқни тушуниш концепциялари кенг тарқалмоқда. С.С.Алексеевнинг таъкидлашича, "Идеалдаги ҳуқуқ (таърифига кўра) – бу бошқа ҳеч қандай ижтимоий-сиёсий воқеликка тегишли бўлмаган, ижтимоий эркинлик, адолат, консенсус билан тартибга солинган қадриятдир"[5].

Бунда бир гуруҳ олимларнинг фикрича, ҳуқуқнинг моҳияти сифатида адолат ғояси намоён бўлади. Иккинчи гуруҳ олимлар эса ҳуқуқ эркинлик ўлчови, масштаби ва ўз навбатида, унинг моҳияти меъёрий – аниқ, давлат томонидан кафолатланган шахснинг эркинлик ўлчовини ўзида акс этишидан иборат. Учинчи гуруҳ

---

[4] Қаранг: Бобылев А.И. Понятие, принципы, функции права. Право и политика. №4, 2004. С. 9.
[5] Алексеев С.С. Теория права. М., 1996. С. 64.

олимлар мазкур икки ёндашувни бирлаштирадилар, тўртинчи гуруҳ олимлар эса бу элементларнинг бирлиги ҳуқуқнинг моҳиятини ташкил этишини таъкидлаб, унга тенглик белгисини қўшадилар. Ҳуқуқ моҳиятини ифодалайдиган ҳуқуқнинг белгилари таркиби борасида бошқа нуқтаи назарлар ҳам мавжуддир. Масалан, З.М.Исломов ҳуқуқнинг белгиларига, ҳуқуқнинг нормативлиги; ҳуқуқ ўз аксини топадиган предметга эга – бу ҳокимият, давлат, жамиятдаги тартибот; ҳуқуқ инсоннинг юриш-туришини тартибга солади, унинг фикри ва ҳиссиётларига таъсир қилади; ҳуқуқ махсус-қонунчилик шаклида намоён бўлади. Бу ҳуқуқнинг умумий белгиларидир[6].

## 2. Ҳуқуқни тушунишга замонавий ёндашув ва ҳуқуқни тушуниш типологияси

“Ҳуқуқни тушуниш” атамасини бугунги кунда ёзилган бирор-бир қомусий энциклопедияда ёки изоҳли луғатда учратиш қийин. Лекин, ҳуқуқни тушуниш ҳақида “**ҳуқуқ**” ва “**тушуниш**” сўзларидан келиб чиққан ҳолда гапириш мумкин. Тушуниш-бу ақл билан эришиш, билиш, англашдир; бирор нарсада мазмун, маъно топиш, сабаб ва оқибатларни кўра билишдир; англаб олиш, тасаввур этиш ва хулоса қилиш қобилиятидир.

Ҳуқуқни тушуниш илмий категориядир ва ҳар доим инсоннинг онги билан узвий алоқададир ва албатта ҳуқуқни билишга, уни идрок этишга, баҳолашга, унга нисбатан муайян муносабатда бўлишга қаратилгандир. Демак, **ҳуқуқни тушуниш** – бу ҳуқуқни билиш, уни идрок этиш ва унга муайян муносабатда бўлишни ўз ичига олувчи инсоннинг мақсадга йўналтирилган фикрлаш фаолияти жараёни ва натижасини ўзида акс эттирувчи илмий категория.

Юридик фанда ҳуқуқни тушунишга бўлган ёндашувларнинг, ҳуқуқни тушунишнинг бир нечта типлари мавжуд. Давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича ёзилган кўпчилик ўқув қўлланмаларида ҳуқуқни тушунишнинг социологик, психологик, марксистик, табиий-ҳуқуқий, позитивистик, либертар-юридик ҳамда бошқа концепциялари ажратилади. Тизимлаштиришда, одатда, қуйидаги мезонлар асос қилиб олинади:

1. Фалсафанинг доимий муаммоси бўлган борлиқ ва онгнинг бирламчилиги **(идеалистик ва материалистик назария)**;

---

[6] Қаранг: Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т., 2001. С. 348.

2. Ҳуқуқ шаклланишининг турли манбалари: инсон табиати ёки давлат **(табиий-ҳуқуқий ва позитивистик назария**);
3. Ҳуқуқнинг фундаментал элементи, асосига кўра: **ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар асосида нормативистик, психологик, социологик назариялар** шаклланган.

Бироқ ҳуқуқни тушуниш типологияси фақатгина ушбу мезонлар билан чегараланиб қолмайди. Ҳуқуқни тушуниш ҳар доим онг билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳуқуқни тушунишни муайян типларга бўлишда бошқа бир нечта мезонлар ва белгиларни ҳам инобатга олиш зарур. Булар тарихий шарт-шароитлар, тараққиётнинг маданий анъаналари, тадқиқотчининг масалага муносабати ва шахсий тажрибаси, шунингдек, тадқиқотнинг мотивлари, яъни концепция муаллифи қандай аҳлоқий, тарихий, синфий ва ғоявий нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди.

Ҳуқуқни тушуниш типологиясига келадиган бўлсак, айтиш жоизки, ҳуқуқни тушунишни типларга ажратишда турли олимлар турли фикрга эга. Хусусан, О.В.Мартышин ҳуқуқни тушуниш типларини тўрттага бўлади:

1. **Юридик позитивизм (нормативизм).** Бунга кўра ҳуқуқ-бу давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган нормалар йиғиндисидир;
2. **Социологик позитивизм вакиллари** юридик оқибатларга олиб келадиган ва турли хил жамоат бирлашмалари ёки суд ва маъмурий органлар қарорлари билан яратиладиган реал ижтимоий муносабатларни ҳуқуқ деб таъкидлашади;
3. **Табиий ҳуқуқ назарияси.** Мазкур назарияга кўра ҳуқуқ инсон онги ва жамият табиатидан келиб чиқади. Инсонга туғилиши биланоқ давлатга боғлиқ бўлмаган ажралмас ҳуқуқлар берилади;
4. **Ҳуқуқни фалсафий тушуниш.** Бунда ҳуқуқ эркинлик принципига тақалади. Ҳуқуқ жамоат мақоми билан боғлиқ ёки таъминланган инсон учун эркин фаолият кўрсатадиган шароитни белгилаб беради.

Мартышиннинг таъкидлашича, булардан биринчи иккитаси (юридик ва социологик позитивизм) ҳуқуққа реал мазмун беради (нормалар ёки муносабатлар) ҳуқуқни қандай бўлса шундайлигача қабул қилади, кейингилари эса реал воқеликдан узоқ, алоҳида

назарий аҳамиятга эга, ҳуқуқ қандай бўлиши кераклигидан келиб чиқади.

Бироқ бу фикр, назаримизда ҳақиқатдан оз бўлсада йироқ. Табиий-ҳуқуқий ва фалсафий ёндашувларнинг хусусиятлари уларнинг амалий аҳамиятини инкор этмайди. Акс ҳолда, ғарб ҳуқуқшунослигида охирги ўн йил ичида ҳуқуқдаги позитив ва табиий-ҳуқуқий йўналишларнинг бир-бирига яқинлашувини қандай қилиб тушунтириб бериш мумкин. Роджер Шайнер ўзининг "Норма ва табиат" номли китобида юридик позитивизм такомиллашиб борган ва танқидга жавоб берган ҳолда табиий ҳуқуқ назарияси нуқтаи назарларига муқаррар равишда яқинлашаётганлигини, ўз навбатида табиий ҳуқуқий назария ҳам юридик позитивизм йўналишида ривожланиб бораётганлигини исботлаган.

Шунга ўхшаш фикрни табиий ҳуқуқ назарияси вакиллари ҳам билдиришган. "Табиий ҳуқуқ ғоясини, яъни ҳуқуқий идеални ҳуқуқ тушунчаси ўрнига қўйиш, шунингдек, бу идеални ҳуқуқ тушунчаси орқали ёритишга уриниш ҳато бўлар эди, - деб ёзади табиий ҳуқуқ назарияси вакили Дж. Дель Веккьо. Улар борлиқнинг турли параллел доираларига тегишлидир ва бу уларни бир-биридан мустақил мавжуд бўлишига сабаб бўлади".

Айнан шунинг учун, XIX асрда **интегратив** деб номланган яна бир ҳуқуқни тушуниш типи вужудга келди. Интегратив ёндашувда нормалар, муносабатлар ва ҳуқуқий онг бирлашган, яъни ҳуқуқий муносабатлар қандай бўлиши керак деган тасаввурлар жамланган.

XX асрнинг охирида асосий ҳуқуқ мактаблари ва йўналишларининг энг муҳим ғояларини бирлаштира оладиган яхлит бир концепцияни яратиш вазифаси янада муҳим тус олди. Масалан, Г.Ж.Берман ўзининг "Ғарбий ҳуқуқ анъанаси: шаклланиш даври" номли илмий тадқиқотида: "Биз сиёсий ва таҳлилий ҳуқуқшунослик ("позитивизм"), ёки аҳлоқий ва фалсафий ҳуқуқшунослик ("табиий хуқуқ назарияси"), ёки тарихий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқшунослик ("тарихий мактаб", "социологик ҳуқуқ назарияси") борасидаги янглишишни бартараф қилишимиз керак"[7] – деб таъкидлайди.

Берман ўзининг бошқа бир ишида шундай деб ёзади: “Интеграциялашган ҳуқуқшунослик – бу уч классик мактабларни (ҳуқуқий позитивизм, табиий ҳуқуқ назарияси ва тарихий мактабни) бирлаштирувчи фалсафадир. У мазкур уч

[7] Берман Г. Ж. Западная традиция права: эпоха формирования. М., 1949. С. 16-17.

рақобатлашувчи мактаблар ҳуқуқнинг бошқа белгиларини истисно этган ҳолда зарур ўлчовларидан бирини ажратиб кўрсатади ва бир нечта ўлчовларни битта нуқтага йўналтиради, биринчидан, бўлиши мумкин, иккинчидан, муҳим деган ишончга асосланади. Бу уч рақобатлашувчи ёндашувларни ҳуқуққа ҳар бир мактаб берган таърифлардан фарқли ўлароқ кенг таъриф бериш йўли билангина муросага келтириш мумкин"[8].

Бошқа бир ҳуқуқшунос олим А.И.Бобылев ҳуқуқни тушунишнинг моҳиятига кўра **идеалистик** ва **материалистик** типларини ажратади.

**Ҳуқуқни идеалистик тушуниш** концепцияси ҳуқуқни илоҳий воқелик деб талқин қилади. Масалан, ўрта асрларда яшаб ўтган машҳур мутафаккир Фома Аквинскийнинг фикрича, (1225-1274) ҳуқуқ ва давлатнинг вужудга келиши худонинг дунёни яратиши билан боғлиқдир. Ушбу ёндашув тарафдорлари абадий табиий ҳуқуқ, абадий қонунлар мавжуд бўлиб, улар инсон юрагида мужассамлашган деб таъкидлаган эдилар.

**Ҳуқуқни материалистик тушуниш** асосида ҳуқуқ иқтисодий ҳукмрон синф иродасининг ифодаси ва мустаҳкамланишидир деган ғоя ётади. Ҳуқуқни материалистик тушуниш концепцияси ҳуқуқ ҳаётнинг моддий шарт-шароитларига боғлиқ ва синфийлик характерига эга деган ғоя илгари сурилади. Ҳуқуқ бир синфнинг бошқа синфни бостириш воситаси ва қуролидир.

Шунингдек, ҳуқуқни тушунишнинг *позитив* ва *позитив бўлмаган, теологик, фалсафий, социологик, расман-мантиқий, психологик, тарихий, лингвистик, аҳлоқий, юридик* типлари ажратилади.

Кўриб турганиздек, ҳуқуқни тушуниш типологияси ўзининг плюралистик хусусиятга эга. Ҳуқуқни тушунишга бўлган қизиқиш нафақат бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, балки муайян қонуниятларга кўра ҳам белгиланади. В.А.Толстикнинг таъкидлашича, ҳуқуқни тушуниш муаммосининг тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, жамият ривожланишининг ҳар қандай босқичида у ёки бу ҳуқуқни тушуниш борасидаги илмий изланишлар фаоллашади. Ҳар қандай ривожланиб бораётган жамиятда эса ҳуқуқни тушунишга норматив ёндашув ҳукмронлик қилади.

---

[8] Ўша жойда. С. 342-243.

Ҳуқуқни тушуниш плюрализмидан қатъий назар ҳуқуқни типларга ажратишда муайян методологияга амал қилиш керак. Масалан, Б.В.Кистяковский ҳар қандай ҳуқуқ тушунчаси ҳуқуқнинг реаллигини назарда тутиши керак деб таъкидлаб ўтган эди. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқни тушуниш типологияси ҳуқуқ ва қонунни ажратишга асосланиши лозим.

Бундай ишни академик В.С.Нерсесянц муваффақиятли амалга оширган. Ҳуқуқ ва қонунни ажратиш асосида у иккита бир-бирига қарама-қарши ҳуқуқни тушуниш типларини ажратади: *“юридик”* (лотинчадан jus-право) ва *“легистик”* (лотинчадан lex - закон). “Биринчиси ҳуқуқнинг қонундан устунлиги билан тавсифланса, иккинчисида ҳуқуқ қонунчиликка бориб тақалади (кенг маънода)”. Ҳуқуқни тушунишнинг либертар-юридик концепциясида “ҳуқуқ бирламчи ва расмий қонунчиликнинг мағзини, мазмунини, хусусият ва мақсадларини аниқлаб беради (ёки аниқлаб бериши керак), ҳуқуқий қонуннинг қиммати ҳақида фикр юритиш учун асос ва мезон бўлиб хизмат қилади”.

## 3. Ҳуқуқнинг ижтимоий қийматига замонавий ёндашув

Ижтимоий мустаҳкам, кучли, ишлаб чиқаришга муқобил, бошқа сўзлар билан айтганда – бирдам жамият ҳар бир жамиятнинг идеали ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг ижтимоий қиймати унинг жамиятда бирдамликни таъминлаб беришида намоён бўлади.

Мазкур фикрни ишончли равишда асослаш учун ҳуқуқнинг мақсадини аниқлаб олиш керак. Бу борадаги кўпчилик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсоннинг давлатгача бўлган ривожланиш босқи-чида пайдо бўладиган ҳуқуқнинг мақсади умумий фаравонликка ёки ижтимоий бирдамликка эришиш мақсадида ижтимоий хатти-ҳаракат-ларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳисобланади. Ҳуқуқнинг бу мақсади ҳар доим ҳар бир ҳуқуқий тизимда намоён бўлади ва сўзсиз ривожланаётган ижтимоий муносабатлар амалиёти кўрсатганидек, ижтимоий қийматли ҳисобланади. Жамият шубҳасиз ижтимоий ривожланиш бир текисда, бир маромда, тадрижий йўл билан содир бўлаётганда ҳуқуқнинг тартибга солиш вазифасини қадрлайди. Лекин, ҳуқуқнинг аҳамияти айниқса буюк изтироблар даврида сезилади: у ёки бу кучнинг революцион ҳуқуқини ушлаб турадиган бетарафлаштирувчи вазифани ёки олдинги ижтимоий тузум

ағдарилган бўлса, қайта тикловчи вазифани бажаради. Бундай ҳолатни янги жамият ҳуқуқсиз четлаб ўтиши мураккаб кечади.

Ҳуқуқ бундай маъсулиятли вазифаларни бажара олганлиги туфайли айрим олимлар томонидан ҳатто ҳуқуқ учун курашиш керак деган фикр ҳам билдирилган. Масалан, В.А.Толстикнинг фикрича, ҳуқуқ жамиятдаги ҳукмрон қадриятларга мувофиқ келиши, ижтимоий муносабатларнинг самарали тартибга солувчисига айланиши учун ҳуқуқ учун курашиш керак. Айнан кураш ҳуқуқнинг мазмунини ва унинг самарали амалга оширилишини белгилаб беради. Шу сабабли, давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммоларидан бири – бу ҳуқуқ учун курашишнинг замонавий назариясини ишлаб чиқиш зарур[9].

Бугунги кунда ҳуқуқнинг ижтимоий қийматини бўртириб кўрса-тиш қийин. "Ҳуқуқ ўзининг "олий мақсадига" кўра-бу фуқаролик жамияти-одамлар бирлашувининг энг юқори босқичидир. Марказида инсоннинг олий қадр – қиммати ва ажралмас ҳуқуқлари турган жамиятдир. Айнан шу ерда фуқаролик жамиятида ҳуқуқ ўзининг уникал ва ўз навбатида уларнинг амалга оширилишида – қўшимча функцияларга эга бўлмаган уникал ижтимоий имкониятларини тўлиқлигича очади"[10].

С.С Алексеев замонавий ҳуқуқнинг бундай функциялари учта деб ҳисоблайди:

1. Ҳуқуқ инсон эркинлигини энг муқобил идрокли шаклларда ташувчиси ва кафолати бўлишга қодир ва қаратилгандир. Ҳуқуқдан бошқа максимум даражада ҳар бир инсоннинг жамият ҳаётида индивидуал эркинлиги реаллигини ифодалайдиган, мустаҳкамлайди-ган, кафолатлайдиган ва шу билан маданиятнинг юқори талабларига мос равишда таъминлаб берадиган тартибга солиш институти мавжуд эмас. Ижтимоий тартибга солишни на аҳлоқ, на жамоа нормалари, на урф-одатлар ва на анъаналар, ҳеч қандай бошқа усул билан амалга ошириб бўлмайди. Уларнинг бунга кучи етмайди, бу уларнинг вазифаси эмас.

2. Инсоннинг эркинлиги шартлари ва чегараларини аниқлаб, ундан “ёмонлик ёки бахтсизликни" – турли кўринишлардаги жиноят-ларни, ноқонуний қилмишларни ажратиш. Гап нафақат ҳуқуқда ўзбошимчаликка, зўрликка қаршилик кўрсатишга яширин кучнинг мавжудлигида, балки шу билан бирга юридик

---

[9] Қаранг: Толстик В.А. От плюрализма правопонимания к борьбе за содержания права. Государство и право. №9, 2004. С. 18.

[10] Алексеев С.С. Тайна права. Его понимание, назначение, социальная ценность. М., 2001. С. 127.

инструментарий давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини профилактик ва жазовий фаолияти учун керакли маданий шароитларни яратади, инсон ҳуқуқларини максимал даражада ҳисобга олган ҳолда, лекин ёмонлик ва бахтсизликка асоси бўлмаган шакл (ҳуқуқ шакл сифатида) маъносида ушбу фаолиятни расмийлаштиради;

3. Ҳуқуқ "ялпи эркинликни" ишбилармонлик фаолиятига, ижодиётга, яратувчанлик ишига ўтказишга қодир ва бу ҳуқуқнинг фақат ўзига хос жиҳати бўлиб ҳисобланади. Ўз-ўзидан эгалик, шартнома ҳуқуқи, етказилган зарарни қоплаш, компенсация ҳуқуқий институтлари ва бошқа кўпчилик ҳолатлар у ёки бу муносабатларни мос юридик тузилмаларга расмийлаштириш ва амалга оширишга кишиларни жалб қилиб, ижобий натижага эришиш бўйича юриш-туришнинг энг муқобил варианти бўлиб ҳисобланган яратувчанлик фаолиятини ижтимоий тузилмаларга тадбиқ этади[11].

Демак, ҳуқуқнинг ижтимоий қиймати бўйича хулоса қиламиз. Ҳуқуқ шундай ижтимоий тартибга солувчики, бунда И.А.Ильин таъкидлагандек, "одамларнинг биргаликда тинч яшашга имкон яратишга[12]" қодирдир, яъни нисбатан рационал ва самарали йўл билан ижтимоий бирдамликни таъминлаб бера олади, шунингдек, ижти-моий ҳаракатларни ялпи фаравонлик учун сафарбар қилади. Ҳуқуқ-нинг ушбу сифати ўз моҳиятига кўра қиймат-мақсадга – ижтимоий бирдамликка нисбатан қиймат-восита бўлиб ҳисобланишига қарамас-дан унга нисбий қийматлар иерархиясида жуда юқори ўринни таъминлаб беради.

Учинчи минг йиллик ҳуқуқини, С.С.Алексеевнинг таъбирича, маданийлашган ҳалқар ҳуқуқи деб аташ мумкин. Аммо, бу фикр ўтган асрнинг биринчи ярмида немис ҳуқуқшуноси Эрнест Рабель-нинг асарларида ўз аксини топган эди: "Қуёш нурлари остида турли рангларда товланадиган ва шамол эсишидан ҳилпирайдиган тирик организмлар, маданийлашган ҳалқлар ҳуқуқлари биргаликда яхлит бутунликни ташкил қилади"[13]. "Маданийлашган ҳалқлар ҳуқуқини" бундай тушунишда фикримизча, учта ҳолат аҳамиятли ҳисобланади.

✓ Инсон ҳуқуқларининг асосларига мос равишда ҳуқуқий

---

[11] Ўша жойда. С. 127-128.

[12] Ильин И.А. Собрание сочинений. Т. 4. М., 1999. С. 81.

[13] Қаранг: Алексеев С.С. Тайна права. Его понимание, назначение, социальная ценность. М., 2001. С. 141-142.

тизимни қайта қуриш яққол намоён бўлди;

- ✓ Ҳуқуқнинг жамиятда тартибга солувчи сифатида марказий ўрни;
- ✓ Ривожланган демократик малакатларнинг ҳуқуқий тизимларида энг муқобил юридик воситаларнинг, мукаммал ҳуқуқий тузилмаларнинг бир жойда тўпланиши, шу қаторда “соф” ҳуқуқий шаклларнинг инсон ҳуқуқлари маданияти билан бирлашиши – натижада ҳуқуқий конвергенция жараёни деб белгиланиши мумкин бўлган воқелик замонавий ҳуқуқни тавсифлайди.

## ХУЛОСА

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқни тушуниш янгича ёндашувлар асосида, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида ёритилиши мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ҳуқуқий ислоҳотлар, ўзгаришларнинг яққол самарасидир. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти ва ижтимоий вазифаси таҳлили ҳуқуқ фақат инсонгагина дахлдор ҳодиса эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият, айни чоғда бетакрор ижтимоий воқелик саналади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, ор-номуси, шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, дахлсизлиги, хавфсизлигини таъминлаш, сақлаш ҳуқуқнинг энг муқаддас ва энг шарафли вазифасидир.

Ҳуқуқни эркинлик, тенглик ва адолатнинг мезони ва ўлчови сифатида эътироф этиш табиий ҳолга айланиб бормоқда. Шу билан бирга, эркин, демократик ҳуқуқий давлатнинг ҳамда адолатли фуқаролик жамиятининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири ҳам ҳуқуқнинг олий даражадаги ҳукмронлигидир, ҳуқуқнинг устуворлигидир. Чунки ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса, ҳар қандай масала адолатли қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида ҳал этилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий давлат ҳуқуқий қонун асосида яшайдиган, ҳуқуқий қонун белгилаб берган чизиқдан ҳар қандай ҳолатда ҳам чиқмайдиган давлатдир.

Ўзбекистон Республикаси инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, − “Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган

бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг, нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”[14].

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Каримов *И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. «Ўзбекистон», 2002, 28-бет.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш − давр талаби. Т. 5. Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Алексеев С.С. Тайна права. Его понимание, назначение, социальная ценность. М., 2001. С. 127.
5. Бобылев А.И. Понятие, принципы, функции права. Право и политика. №4, 2004. С. 9.
6. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.
7. Саидов А.Х., Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. – Т.: Узбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2001. 353-бет.*Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. «Ўзбекистон», 2002.


[14] *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. «Ўзбекистон», 2002, 28-бет.